

1000 мтдан кўпроқ фотолар” [17:86-88].

“1928 йилда СССР Фанлар академияси Помир экспедициясининг совет гуруҳи томонидан амалга оширилган ишлари тўғрисидаги қисқача дастлабки ҳисоботи”да экспедиция ишларининг асосий натижалари қайд этилди [17:90-97].

1928 йилда ташкил этилган совет-герман экспедицияси СССР ФАнинг йирик халқаро экспедицияларидан бири бўлиб, совет ва немис олимларининг ижобий фикрларига сазовор бўлди. Экспедициянинг немис гуруҳи бошлиғи, профессор В.Рикмерс шундай ёзади: “Помир-Олойга саёҳатнинг илмий натижалари немис олимлари сингари, рус катнашчилари учун ҳам шарафли давр бўлди...” [6:269].

1928 йил Помир экспедицияси тадқиқотлари ва илгари олиб борилган дастлабки кидирув ишлари Тожикистоннинг ва унинг ажралиб турадиган қисми – мустақил табиий географик вилоят деб тан олинган Помирнинг табиий-тарихий ўрни ва географик тавсифини қайд этишга ёрдам берди. Географик тадқиқотларни олиб боришда зоналашган-регионал йўналиш етакчи услублардан бўлди.

1928 йилнинг ёзида Помир ҳудудида профессор Е.Н.Павловский бошчилигида, республикада инсон паразитар касалликларининг айрим ўчоқларини ўрганган паразитологик экспедиция иш олиб борди.

Мустақил табиий-географик вилоят бўлган Помир, кам ўрганилганлиги боис, 1920-йилларнинг охирида

илмий-тадқиқот экспедицияси учун тадқиқот марказига айланди. Помир ҳудуди машҳур тадқиқотчиларни ўзига хос географик жойлашуви билан эмас, балки ўзининг қимматбаҳо бойликларининг мавжудлиги билан жалб этди.

Экспедиция фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи СССР ФА СССР табиий ишлаб чиқарувчи кучларни тадқиқ қилиш комиссияси “мамлакатда табиий бойликларни экспериментал-лабораторияга оид ўрганиш ва уларни қўллаш шароитлари ҳамда ўз кучи ёрдамида ёки бошқа муассасалар билан ҳамкорликда уларни жойида кенгроқ тадқиқ этиш имкониятлари” масаласини ҳал қилди [11:254]. Мазкур илмий фаолият тамойиллари Тожикистон географик ҳаритасидаги “оқ доғларга” барҳам бериш ишлари билан шуғулланди.

Помир ва унга туташ минтақаларни тадқиқ этишда СССР ФА билан бир қаторда, СССР Геология қўмитаси, Ўрта Осиё давлат университети ва бошқа марказий ҳамда минтақавий муассасалар иштирок этди. Олиб борилган геологик, геохимик, ботаник паразитологик ва бошқа тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, Тожикистон ишлаб чиқариш кучларини комплекс ўрганиш ва йирик назарий муаммоларни ҳал этиш учун истиқболли ҳудуд эканлигини исботлади. Ўрта Осиё давлат университети олимлари, Помир ва унга туташ минтақалар ҳудудини тадқиқ этишда фаол иштирок этиб, республикада илмий муассасаларнинг қарор топишида муҳим роль ўйнади.

Адабиётлар

1. Баранов П.А. Дарваз и его культурная растительность // Известия Общества для изучения Таджикистана и иранских народностей за его пределами. –Ташкент: 1928. Т. 2.
2. Баранов П.А., Райкова И.А. САГУ в борьбе за сельскохозяйственное освоение Памира // Бюллетень САГУ. 1935. Вып. 20.
3. Бюллетень САГУ. 1929. Вып. 18.
4. Дорофеев И.Г. На заоблачных высотах. -М.: «Мысль», 1976.
5. Животные паразиты и некоторые паразитарные болезни человека в Таджикистане. -Л.: 1929.
6. Иоффе А.К. Международные связи советской науки, техники и культуры. 1917-1932 гг. -М.: 1975.
7. Комков Г.Д., Левшин Б.В., Семенов Л.Е. Академии наук СССР: Краткий исторический очерк. -М.: «Наука», 1974.
8. Корженевский Н. Л. Из наблюдений на Памире летом 1923 г. //Вестник ирригации. –Ташкент: 1924, № 1.
9. Корженевский Н. Л. Краткий отчет о поездке на Памир летом 1923 г. Изв. ТОРГО, т. XVII. –Ташкент: 1924.
10. Крыленко Н.В., Щербаков Д.И., Марков К.К. Экспедиция 1928 г. // Пять лет по Памиру. -Л.: 1935.
11. Отчёт деятельности АН СССР за 1929 г. Л.: АН СССР, 1930.
12. Памирская экспедиция 1928 г. Л., 1929. Вып. 1.
13. Памирская экспедиция 1930 г. Л., 1932. Вып. 1.
14. Симонов Н. Гидрологические исследования Академии наук // Вестник АН СССР. 1933. № 5.
15. Шагалов Е.С. Первое научное общество Таджикистана: (Общество для изучения иранских народностей за его пределами). -Душанбе: «Дониш» 1966.
16. Экспедиционная деятельность АН СССР и ее задачи. Л., 1929.
17. СПБФАН. 138-фонд. 1-1928-рўйхат. 174-йўғма жилд.
18. ЎЗР МДА. Р-2273-фонд. 1-рўйхат. 59-йўғма жилд.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада 1923-1928 йиллар давомида СССР ФА томонидан уюштирилган экспедицияларнинг Помир ҳудудини тадқиқ этиш масалалари кўриб чиқилган. Минтақани тадқиқ этишнинг асосий йўналишлари очиқ берилган. Экспедицияга тайёргарлик кўриш жараёнлари кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, экспедиция якуни ва асосий илмий натижалари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В работе рассматриваются вопросы изучения территории Памира экспедициями АН СССР в период 1923-1928 гг., и участие в них учёных из САГУ. Прослежены основные направления изучения региона. Показано как происходила подготовка экспедиций. Кроме того, изучены основные научные результаты и итоги экспедиций.

SUMMARY

The paper deals with the study of the territory of the Pamirs expeditions of the USSR Academy of Sciences in the period 1923-1928, and the participation of scientists from SAGU. The author reviews the principal directions explore the region. It is shown how the preparation of expeditions took place. In addition, the main scientific results and the results of the expeditions were studied.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ: ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ДАВЛАТ ЁНГИН НАЗОРАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Х.А.Қурбонов – техника фанлари номзоди, доцент

Л.А.Камолов - катта ўқитувчи

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси

Таянч сўзлар: мурожаатнома, фавқулодда вазият, ёнгин, ёнгин хавфсизлиги, ҳуқуқбузарлик, маъмурий жавобгарлик, давлат инспектори, жарима, портлаш, низом, конституцион ҳуқуқ.

Ключевые слова: обращение, чрезвычайная ситуация, пожар, органы внутренних дел, пожарная безопасность, правонарушение, административная ответственность, государственный инспектор, штраф, взрыв, устав, санкция, конституционное право.

Key words: reference, emergency situation, fire, internal affairs bodies, fire safety, offense, administrative responsibility, state inspector, fine, explosion, charter, sanction, constitutional law.

Бугунги кунда жаҳон илм фан ва инновация ютуқларидан кенг фойдаланиш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳасини жадал ва барқарор ривожлантириш эл-юртимиз учун муносиб келажакни

яратишнинг муҳим омилidir. Шу маънода Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакат ҳаётининг бошқа кўплаб соҳалари қатори сиёсий-ҳуқуқий ва

маънавий-маърифий йўналишларига тааллуқли муҳим вазифалар белгилаб берилгани диққатга сазовор. Жумладан, Мурожатномада Президентимиз "...Охирги уч йилда *"инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун"* деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ижтимоий ислохотларни давом эттирамиз. Бунинг учун биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади.... [1]" деб таъкидлаб ўтганликлари юртимизда инсон манфаатлари олий даражада қўйилганлигининг яққол ифодасидир.

Дунё тажрибасига назар солиб аксарият тараққий топган мамлакатларда қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлагандан сўнггина инсонларнинг фаровон турмуш кечиришига амин бўлганмиз. Мамлакатимиз барча соҳаларда муваффақиятга эришиб бораётган бир даврда фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, хавфсизлигини таъминлаш борасида олдимизда турган бир қатор вазифаларни амалга оширишимиз лозим.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг **211-моддаси учинчи қисмида...** ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этиш, агар ёнгин чиқишига олиб келган бўлса, -

Фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади деб кўрсатиб ўтилган [2].

Модданинг ушбу қисми бўйича Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари ўртасида ўтказилган социологик сўровлар натижаси модданинг ДЕН ходимлари учун қийинчиликлар юзга келаётганлигини кўрсатмоқда. Масалан, ҳар йили мамлакатимизда ўртача ўн икки мингга яқин ёнгинлар содир бўлади, улардан кўриладиган зарар *етмиш миллиард* сўм атрофида, шундан 80% аҳоли яшаш хонадонларида содир бўлади, моддий зарар ҳам шунга мувофиқ *эллик миллиард* сўмни ташкил қилади. Кўриниб турибдики, мулкчилик туридан қатъий назар фуқароларимизга ёнгин натижасида моддий қийинчиликлар юзга келмоқда. Жумладан; ёнгин оқибатларини бартараф қилиш, зарарланган объектни қайта тиклаш, унга кетадиган қурилиш материаллари ва ҳақозолар. Бундан ташқари, ДЕН органи томонидан расмийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши тўғрисида баённома ва маъмурий жарима тайинлаш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган жариманинг миқдори, у ҳам бўлса базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан кам бўлмаган (ҳозирги кунда 892000 сўм) суммани ташкил қилади. Тасаввур қилиб кўрилса бу жудаям мантиққа тўғри келадиган жараён эмас, чунки фуқаронинг яшаш хонадониди содир бўлган ёнгин оқибатида у моддий зарар кўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 259-моддаси қуйидаги кўринишда татбиқ этилади:

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузиш

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг шу қоидалар бажарилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, -

Базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солиш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилиш:

- а) одам ўлишига;
- б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, -

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади [2].

Бундан кўриниб турибдики модданинг биринчи қисмида *...баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса...* деб кўрсатилган, лекин ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг шу қоидалар бажарилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши *баданга енгил шикаст етказилишига* олиб келадиган бўлса жавобгарлик назарда тутилмаганлигига гувоҳ бўламиз. Жамиятда худди шундай ижтимоий хавфли қилмиш содир этилса, ушбу жараёни қайси модда билан квалификация қилиш тергов-суриштирув органлари олдида бирқанча муаммоларни юзга келтиради.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 211 ва 249 - моддаларига назар солдиган бўлсак, муаммо юзга келишини кўришимиз мумкин. Масалан: 211-модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган фуқароларга уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга етти бараваридан ўн бараваригача жарима солиш мумкин. Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани Нукус шаҳридан тахминан 200 км масофада жойлашган. Мўйноқ туманида 211-модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилса ёнгин назорати бўйича қатта давлат инспектори ва унинг ўринбосари, ҳамда давлат инспектори ҳам маъмурий жазо қўллашга ҳақли эмас, чунки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 249-моддасининг бешинчи қисмида қатта давлат инспекторлари ва унинг ўринбосарлари фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваригача, мансабдор шахсларга икки бараваригача миқдорда жарима солишга, давлат инспекторлари эса фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан, бир бараваригача миқдорда жарима солиш ваколатига эга деб кўрсатиб ўтилган. Бундан кўриниб турибдики, ушбу назарда тутилган ҳуқуқбузарлик Мўйноқ тумани худудида ўз ечимини топмайди.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни самарали ва аниқ ечимларини топиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

Биринчидан, давлат ёнгин назорати инспекторлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятига доир ҳужжатлар (ёзма кўрсатма, ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши тўғрисидаги баённома, маъмурий жарима солиш тўғрисидаги қарор, воқеа жойини кўздан кечириш тўғрисидаги баённома ва ҳақозолар) ни расмийлаштириш бўйича намунавий кўринишларини ўзида акс эттирган ҳар қандай русумдаги андроид мобиль апаратларида фойдаланиш мумкин бўлган **мобиль илова** яратиш;

Иккинчидан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 211-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик бўйича фуқароларга нисбатан белгиланган жарима миқдорини либераллаштириш;

Учинчидан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 249-моддаси бешинчи ва олтинчи қисмида назарда тутилган мансабдор шахсларнинг ваколатларини кенгайтириш;

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 259-моддасида назарда тутилмаган енгил тан жароҳати билан боғлиқ ҳолатларни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёки Жиноят кодексиди акс эттириш.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари ўртасида қуйидаги саволлар бўйича социологик сўровлар ўтказилди:

- 1) *Давлат ёнгин назорати инспекторлари фаолиятига доир ҳужжатларни электрон кўринишда мобиль*

иловага жойланиши сизнинг фаолятингизни қай даражада енгиллаштиради?

2) Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 211-моддаси учинчи қисмида фуқароларга белгиланган жарима миқдорини базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда қилиб белгилаш бўйича Олий Мажлисга таклиф киритилишига қандай муносабат билдирасиз?

3) Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 249-моддаси бешинчи ва олтинчи хатбоишида белгиланган ваколатларни лебераллаштириш юзасидан таклифларга муносабатингиз?

4) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 259-моддасида ўз тасдиғини топмаган ижтимоий хавфли қилмишни яъни ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг шу қоидалар бажарилиши учун маъсул

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги мурожаатномаси. – Тошкент: 2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. –Тошкент: Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Адолат” нашриёти, 2020.
3. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. –Тошкент: 1992.
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. –Тошкент: 1994.
5. Камолов Л.А. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Ахборотномаси. –Нукус: 2019, № 1.
6. Камолов Л.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув Академиясининг Фуқаролик Жамияти журнали. 2019, № 1.

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг Давлат ёнғин назорати органлари фаолятига алоқадор бўлган моддалари чуқур мулохазалар билан ёритилган ва мисоллар билан таҳлил қилинган. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг маъмурий амалиёт соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш борасида атрофлича ишлаб чиқилган таклифлар берилган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье подробно рассматривается ряд статей касающихся государственных органов пожарного надзора отраженных в Кодексе Республики Узбекистан об административной ответственности, а также проводится анализ соответствующих примеров из практики работы органов государственного пожарного надзора. Автор выдвигает ряд всесторонне продуманных рекомендаций для улучшения деятельности работников государственной службы пожарной безопасности Республики Узбекистан.

SUMMARY

The article deals with the study of a number of articles dealing with State Fire Inspection Authorities in the Code of the Republic of Uzbekistan on Administrative Liability are considered in depth, and examples from the experience are also analyzed. The author puts forward a number of comprehensively thought-out proposals for improving the activities of employees of the State Fire Safety Service in the Republic of Uzbekistan.

ЭКОЛОГИЯЛЫҚ ТӘРБИЯ - ЖОҚАРҒЫ РУЎХЫЙЛЫҚ ДЕРЕКЛЕРИНИҢ БИРИ

З.Ғ.Муртазаева - магистрант

Әжсинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: табиат, табиат ва инсон, табиий бойлиқлар, экологик тарбия, увол тушунчаси, дин, экологик маданият, экологик одоб-ахлоқ, меҳнат.

Ключевые слова: природа, природа и человек, природные ресурсы, экологическое образование, концепция «увол», религия, экологическая культура, экологический этикет, труд.

Key words: nature, nature and man, natural resources, environmental education, the concept of “firing”, religion, ecological culture, ecological etiquette, work.

Жер жүзінде халық саны көбейип, илим хэм техника раўажланып барған сайын инсанның тәбиятқа тәсири күшейип барады, инсан тәбияттан оғада көп өним алатуғын болады. Буның ақыбетинде тәбият байлықлары кемейеди, айырым жағдайларда қоршаған орталық патасланады, тәбияттағы баланс бузылады. Бул болса тәбиятты қорғауды, тәбийий байлықлардан туўры хэм өз орнында пайдаланыўды талап етеди. Сол орында Өзбекстан Республикасы Биринши Президенти И.Каримовтың «Өзбекстан ХХІ эсир босағасында» атлы мийнетинде «Экологиялық кәуипсизлик машқаласы миллий хэм регионаллық шегарадан шығып, пүткүл адамзаттың дүнья жүзлик машқаласына айланған. Тәбият хэм инсан өзара белгили бир ызымлар тийкарында бир-бири менен қарым-қатнаста болады. Бул ызымлардың бузылыўы кескин экологиялық жағдайдың өзгерийүине алып келеди», - деп жүдә орынлы айтқан еди. Илим-техниканың раўажланыўы адамлардың тәбиятқа болған қызығыўшылықларын, ғамқорлығын бираз пәсейткендей. Биз бул ушын тәбиятқа мийримли катнаста болыўды өсип киятырған хәр бир жас аўладта шаңарақтан, мектептен экологиялық тарбияны кәлиплестирийүимиз керек. Экологиялық тарбия

– шахстың дәслепки туўылған күнинен баслап, тап сол өмириниң ақырына шекемги тәбийий бирлеспелер хэм жәмийетлик абаданшылықларды абайлап-асыраў, сақлаў ушын жәмийетлик-психологиялық көрсетпелер берийү мақсетинде санасына тәсир етийү процеси болып есапланады [1:89].

Экологиялық тәлим-тарбияны ең жайдырыў бүгинги күнниң актуал мәселелеринен бири болып, тәлим-тарбия берийүде экологиялық тарбияға айрықша итибар берилмекте. Демек, «баланы жастан» дегенимиздей, балада бул ҳаққындағы түсиниклерди ертеден-ақ баслағанымыз мақул. Экологиялық тарбияның әхмийети соннан ибарат тәбият кубылысларын үйрениў арқалы баланың ойлаў кәбилетин, дыққатын хэм адамгершилигин пайда етийүге болады. Және де мектептеримизде экологиялық тарбия берийү арқалы оларды мәдениятлылыққа, әдеп-икрамлылыққа тарбиялаў хэм шаңарақларда ата-аналар тәрбиенен үгит-нәсиятлаў арқалы да оларды киши ўактынан баслап-ақ кәлиплестирип барыў керек. Тәбият жаратқан хәр бир нәрсе, кубылыстың өлшемли екенлигин, оны таўсылмайтүғын булақ деп қараўға болмайтүғынлығын хәр бир жас аўладтың санасына синдирийү, тәбиятқа мухаббат сези-